

Олимлар инсоннинг тупроқдан яратилганини исботлашди



16:01 / 26.11.2018 8959

Инсон танаси, унинг барча қисмлари ҳозирги кунга қадар ҳам охиригача ўрганилмаган ажойиб, мукамал лойиҳа. Инсон танасининг тузилишини энг замонавий технологик асбоблар ёрдамида ўрганаётган олимлар ақл бовар қилмайдиган кашфиётларга дуч келмоқдалар. Инсон танасидаги тўқималарнинг тузилиши шулар жумласидандир.

Инсон организмидаги тўқималарда 26 хил кимёвий элемент мавжуд. Улардан олтитаси эса бошқаларига нисбатан жуда кўп миқдорда учрайди. Булар – углерод, водород, кислород, азот, фосфор ва олтингугурт моддаларидир. Инсон танасидаги тўқималарнинг 95 фоизини ана шу олти элемент ташкил қилади. Бу эса жуда муҳим бир ҳақиқатни – инсоннинг лойдан яратилганлигини тасдиқлайди.

Инсон танасидаги тўқималарни ташкил қилувчи барча асосий, ноорганик кимёвий элементлар тупроқ таркибида эркин ҳолатда ёки бирикмалар кўринишида учрайди.

Олимларнинг янги тадқиқотларига кўра, худди Қуръони карим, Инжил ва, ҳатто юнонларнинг афсоналарида айтилганидек, ердаги ҳаёт лойдан пайдо бўлган экан. Олимлар илгари сурган назарияга кўра, тупроқдаги минералларнинг уйғун бирикмасидан иборат бўлган лой ҳужайра ва кимёвий моддаларнинг кўпайиши учун қулай муҳит ҳисобланади. Миллиард йиллар давом этган бу жараён давомида кимёвий моддалар бири-бири билан реакцияга киришиб, оқсил ва ДНК ҳосил қилади. Охир-оқибат эса улардан тирик ҳужайралар пайдо бўлади. Нью-Йорк штатидаги Корнел университети нанофанлар факультети биомуҳандислари «Ердаги ҳаётнинг манбаи лой бўлган бўлиши мумкин», деб ҳисоблашмоқда. Бу назария минг йиллардан бери турли эътиқод ва ақийдаларда мавжуд бўлиб келган бўлса ҳам, ҳали илмий жиҳатдан асосланган эмас эди.

Кўпчилик самовий динларда Худо инсонни лойдан яратиб, сўнг унга жон ато қилгани айтилади. Ҳатто генезис ҳам «инсон тупроқдан яратилади ҳамда вафот этганидан сўнг қайта тупроққа айланади», дея баён қилади. Олимлар бу сўзни кўҳна иброний тилидан «лой» ёки «ер» деб таржима қиладилар. Денгиз сувида лой гидрогель шаклига келади. У бир қатор компонентлардан – таркибий қисмлардан ташкил топган бўлиб, улардан бири синч вазифасини ўтайди. Унинг ичидаги бўшлиқлар (ғоваклар) қуйи молекуляр қоришма билан тўлдирилган. Корнелл университети профессори Дэн Лонинг (Dan Luo) айтишича: «Геологик тарихнинг бошланишида лой гидрогели биомолекулаларни ушлаб қолиш ва молекуляр реакция функцияларининг пайдо бўлишига қулай шароит яратиб берган. Бу бўшлиқларда тўпланган кимёвий моддалар миллиард-миллиард йиллар давомида мураккаб реакцияларга киришиб, оқибатда оқсил моддаси ҳамда ДНКни ва пировардида тирик ҳужайранинг ҳаётий фаолият юритиши учун зарурий шарт-шароитни вужудга келтирган бўлиши мумкин».

Ушу хулосалар бир гуруҳ тадқиқотчиларнинг илмий тажрибаларига асосланган бўлиб, ушбу тажрибалар давомида синтетик гидрогель, ДНК, аминокислоталар, ферментлар ва сунъий оқсил ишлаб чиқаришдан фойдаланилган.

Умуман олганда, дунёвий олимларнинг ҳаққа етишларига анча бор. Уларнинг тадқиқотларида ҳали ҳам эволюция назариясининг излари бор

бўлса-да, тўғри тарафга қараб кетаётган бўлсалар ажаб эмас.

Нима бўлганда ҳам, фан эркин ҳолатдаги лой ҳам, инсон организмнинг тўқималари ҳам айнан бир хил элементлардан ташкил топганлигини аниқлади. Замонавий фан томонидан аниқланган бу далиллар ўн тўрт аср аввал Каломуллоҳда нозил қилинган оятларнинг ҳақ эканлигини яна бир карра тасдиқлади.

Аллоҳ таоло биринчи одамзодни - ҳазрати Одам Ато алайҳиссаломни лойдан ясаган: унга шакл бериб, жон ато этган. Бу мўъжиза Қуръони каримда баён қилинган.

«Қуръон ва Суннатдаги илмий мўъжизалар» китобидан